

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ЁШ ОЛИМЛАР КЕНГАШИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «КАМОЛОТ»
ЁШЛАР ИЖТИМОЙ ҲАРАКАТИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
БИРЛАШГАН КАСАБА УЮШМАСИ ҚЎМИТАСИ



Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг
70 йиллигига бағишланган
РЕСПУБЛИКА ЁШ ОЛИМЛАР
ИЛМий-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ
маъруза тезислари тўплами
2013 йил 26 декабрь

Сборник тезисов докладов
РЕСПУБЛИКАНСКОЙ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОЙ
КОНФЕРЕНЦИИ МОЛОДЫХ УЧЕНЫХ
посвященной 70-летию Академии наук Республики Узбекистан
26 декабря 2013 г.

ТОШКЕНТ – 2013

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 70 йиллигига бағишланган Республика Ёш олимлар илмий-амалий конференцияси // Маъруза тезислари тўплами, Тошкент ш., 2013 йил 26 декабрь.

Республиканская научно-практическая конференция Молодых ученых, посвященная 70-летию Академии наук Республики Узбекистан // Сборник тезисов докладов, г. Ташкент, 26 декабря 2013 г.

Конференция ташкилий қўмитаси

Раис: Б.Т. Ибрагимов – ЎзР ФА Бош илмий котиби;

Раис ўринбосари: Д.А. Далимова – ЎзР ФА Ёш олимлар кенгаши раиси.

Аъзолар:

С.Г. Шеримбетов – б.ф.н., ЎзР ФА Ёш олимлар кенгаши аъзоси;

Ш.С. Жўраев – ЎзР ФА Бирлашган қасаба уюшмаси қўмитаси раиси;

Р.Р. Турсунов – т.ф.н., Соғлиқни сақлаш вазирлиги Ёш олимлар кенгаши раиси;

Ш.У. Турдикулова – б.ф.д., ЎзР ФА Ёш олимлар кенгаши аъзоси;

С.А. Сасмаков – к.ф.н., ЎзР ФА Ўсимлик моддалари кимёси институти Ёш олимлар кенгаши раиси;

Ш.Г. Исламов – ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Ёш олимлар кенгаши раиси;

О.А. Абдулхаев – ЎзР ФА “Физика-Қуёш” ИИЧБ Физика-техника институти Ёш олимлар кенгаши раиси;

Д.Х. Давлетчуринов – ташкилий қўмита аъзоси;

Ш.И. Отажонов – и.ф.н., ЎзР ФА Ёш олимлар кенгаши аъзоси;

А.М. Махмуджонов – ташкилий қўмита аъзоси;

И.Р. Баракаева – ташкилий қўмита аъзоси.

Манзил:

Тошкент, 100047, Яхё Ғуломов кўчаси, 70.

Тел.: (8-371) 233-68-47

Факс: (8-371) 233-18-02

E-mail: control@academy.uznet.net

Адрес:

Ташкент, 100047, ул.Яхъя Гулямова, 70.

Тел.: (8-371) 233-68-47

Факс: (8-371) 233-18-02

E-mail: control@academy.uznet.net

қолдирилган. Бу ўринда хаттотнинг ҳоким табақа завқига мос иш тутиши, бу табақа дунёқарабини ҳисобга олиб уни безарар қилишга урингани кўзга ташланади.

Бу қасийда бир томондан, муаллиф ижод этган давр, шу давр мутафаккирлари фикрини билиб олишда, иккинчи томондан, шоирнинг фалсафий, ахлоқий қарашларини ўрганишда муҳим манбалардан саналади. Шунини эслаб ўтиш керакки, бу қасийдада тасаввуфга кенг ўрин берилган. Унда сўфийлик, таркидунёчилик мотивларининг кўриниши тасодифий ҳол бўлмай, унда мўғул истилоси ва унинг ижтимоий ҳаётга кўрсатган таъсири сезилиб туради.

Амир Хусравнинг ўзи бу қасийдани катта ҳажмдаги лирик ва эпик асарларидан устун қўяди. Бу фикрни “юз минг байтдан ортиқ шеърий меросим йўқолиб кетса-ю, мана шу қасийдам сақланиб қолса, менинг фазилатим далили учун етарлидир” деган фикри тасдиқлайди.

“Дарёе аброр” Амир Хусрав яшаган давр XIII асрнинг иккинчи ярми XIV асрнинг биринчи чорагида қоғозга туширилиб, унда нафақат Шимолий Ҳиндистон, балки бутун Ҳиндистон ярим оролида ҳукм сурган тартибсизликлар, ўлкадаги қийин аҳвол, феодалларнинг тож-тахт учун курашлари, аҳолининг қаттиқ сиқув остига олиниши, илму-хунар аҳлининг қадрсизланиши ва айрим давлатларнинг ҳинд ўлкасига қилаётган босқинчилик урушлари каби кенг доирадаги масалаларни ўз ичига олади.

“Дарёе аброр”нинг хусусиятларидан бири шундаки, унда “дарди сар”, “бахрубар”, “сарсар”, “озар” каби сўз ва сўз бирикмалари ўзаро қофияланиб, аст кўмакчи феъли радиф вазифасини ўтаб, шоир айтмоқчи бўлган фикрни жуфт мисраларда тасдиқлайди. Биринчи мисрада фикр баён қилинса, иккинчи мисрада уни тасдиқлайди:

معني خسرو معثر نياید اندر مردمان
هیچ که دیدی که مستی در سبب سافر است

Мазмуни: Хусравнинг шеъри мурдаларга (дидсиз, завқланмайдиган кишиларга) таъсир этмайди. Май идишидан мастлик пайдо бўлганини бирор вақт кўрганмисан?

Одамнинг бир ҳовуч ғубор экани ва умрнинг тез ўтишини таъкидлаб, ўлка ҳокимини раиятга, халққа озор бермасликка, уларни ранжитмасликка чақиради. Амир Хусрав яна худбинлик, манфаатпарастлик, молпарастлик каби салбий ҳислатларни танқид қилади ва бошқа мутафаккирлар каби ўлкадаги тартибсизликларни ҳокимларнинг ёмон хулқидан деб билади. У инсон сўзи моҳиятини чуқур англашга, шу номга иснод келтирмасликка даъват қилади.

Шуни хулоса қилиб айтиш мумкинки, “Дарёе аброр” ҳам ғоявий, ҳам бадиий жиҳатдан етук санъат намунаси бўлиб, шоирнинг ижтимоий фикрларига, фалсафий-ахлоқий мулохазаларига бойдир. Қасийданинг лирик қаҳрамони бир ҳассос шоир сифатидагина эмас, балки сиёсий давлат арбоби сифатида ҳам мулоҳаза юритади, унда ўлкани адолат асосида бошқариш, давлат лавозимига тайинланганидан кейин шахсий бойишни эмас, балки халқ манфаатларини биринчи ўринга қўйиш ҳақидаги фикрларни равшан баён этади.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ БОЗОРИНИ МОДЕЛЛАШТИРИШ

Носиров Б., Рахмонова Б.

Андижон қишлоқ хўжалик институти

E-mail: info@andqxi.uz

Иқтисодийни модернизациялаш ҳисобига ялпи ички маҳсулот таркибида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг улуши пасайиб бораётганига қарамай, мазкур соҳа Ўзбекистон иқтисодиётида муҳим ўринни эгаллайди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари аҳолининг озиқ-овқатга, кўплаб саноат тармоқларининг хом ашёга бўлган талабини қондиради.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бозорини моделлаштириш жараёнида талаб ва таклифнинг хусусиятларини ҳисобга олиш зарур. Иқтисодий эркинлик тамойилларидан келиб чиққан ҳолда стратегик аҳамиятга эга бўлган пахта ва ғалладан ташқари барча қишлоқ хўжалик маҳсулотларига давлат буюртмаси бекор қилинган. Иқтисодий жараёнларни математик функция, формула, график, жадвал каби воситалар ёрдамида тасвирланганда энг тушунарли ҳолатга келади ҳамда замонавий компьютерлар ёрдамида моделлаштириш имконияти туғилади.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бозорларининг турли моделлари мавжуд бўлиб, рақобат нуқтаи назаридан ёндашганда полипол, монопол, олигопол, ташқи савдо мезони бўйича автаркия,

импорт ва экспортга йўналтирилган ҳамда жаҳон бозоридаги нархларнинг таъсири сезиларли бўлган бозорлар, давлат назорати даражаси бўйича эркин, нарх назорати, сифат назорати, солиқ бошқаруви мавжуд бозорлар модели турлича ўрганилади. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бозорини моделлаштириш жараёнини алоҳида маҳсулотлар, масалан, сабзи, картошка, помидор, мевалар, гуруч, гушт, сут, тухум кабилар учун алоҳида тенглама холида таҳлил қилиб, сўнг минтақа ёки мамлакат миқёсида умумлаштирилади. Бошланғич маълумотлар сифатида хўжаликларнинг, туман, вилоят ва республика статистика органларининг йиллик ҳисоботлари ҳамда сўров натижалари хизмат қилади. Эконометрикадаги корреляция, чизиқли регрессия, энг кичик квадратлар усули ва бошқа усуллар ёрдамида функциялар шакллантирилади ва аниқлиги баҳоланади. Бозорнинг истикболида ишлаб чиқариш ва ташқи савдо ҳажми бўйича йўналишлар белгиланади.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бозорини моделлаштириш иқтисодий жараёнларни тушуниш ва бошқариш учун зарур бўлиб, амалий жихатдан фойдали тахлилий концепцияларни яратишга ҳамда одатдаги хатоларни четлаб ўтишга ёрдам беради. Аммо бозордаги жараёнлар шунчалик мураккабки, унинг барча хусусиятларини қамраб олган яхлит модел тузишнинг деярли иложи йўқ. Шунга қарамай, муайян оралиқдаги энг муҳим жиҳатлар ҳисобга олинган моделлар муҳим аҳамиятга эга.

Бозорда аввало унинг иштирокчилари – истеъмолчилар ва ишлаб чиқарувчилар фаолиятини таҳлил қилиш керак. Асосий кўрсаткичлардан бири булган талаб функциясини моделлаштириш учун бир неча ёндашувлар мавжуд. Бунда иложи борица талабга таъсир этувчи барча омилларни ҳисобга олиш зарур. Маълум вақт оралиғида даромад ва нарх эластиклигини баҳолашга асосланувчи *i*-турдаги товарга бўлган талаб функциясининг содда типик кўриниши қуйидагича:

$$\ln q_i = a_i + \sum_j E_{ij} \ln \frac{P_j}{P} + \eta_i \ln \frac{Y}{P} + \sum_k b_{ik} \ln z_k$$

Бу ерда:

q_i – аҳоли жон бошига сотиб олинган *i*-турдаги товар ҳажми;

p_i, p_j – *i*-турдаги товарнинг ҳамда унинг ўрнини босувчи ёки таркибига кирувчи бошқа товарнинг нархи;

y – аҳоли жон бошига тўлиқ харажат ҳажми;

P – истеъмол нархлари индекси;

E_{ij} – тўғридан-тўғри ва кесишувчи эластиклик;

η_i – харажат эластиклиги;

z_k – истеъмолчилар хусусиятлари (вақт ёки бошқа омиллар таъсирида даромаднинг маҳсулот сифати ва ҳаридор дидига мос тақсимотини барқарорлиги) ва бошқа ташқи экзоген ўзгарувчилар;

b_{ik} – талабнинг z_k га нисбатан эластиклиги.

Нисбий нархлар ва реал даромаднинг экзоген ўзгарувчилар сифатида қўлланилиши талаб тенгламасини нарх ва даромад бўйича бир жинсли кўринишга келтиради.

Юқоридаги барча бошланғич маълумотларни тўплаб, бир тизимга келтириш оркали умумий қуриниши $Q=a+bP$ булган талаб функциясига эга бўламиз. Бу жараёни алоҳида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун тенглама холида таҳлил қилиб, сўнг минтақа ёки мамлакат миқёсида умумлаштирилади. Ўсимликчиликда кўплаб қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини 1 йилда бир ёки икки маротабагина етиштириб, аммо ҳар куни истеъмол қилиниши қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бозорининг алоҳида хусусиятларидан биридир.

Аграр сиёсат учун бозордаги тақлифни бошқаришда алоҳида турдаги ва ялпи тармоқлар фаолияти ҳақидаги маълумотлар зарур. Бирор натижага эришиш учун экин турлари буйича ўзгарувчан омилларни қайта тақсимлаш ҳисобига натижа олиш мумкин бўлган бир вақтда ялпи тармоқдаги муайян омиллар доирасини кенгайтириш, технологияни ўзгартириш ёки экстенсив омиллардан интенсив омилларга ўзгартириш, ўзгарувчан омилларни қайта тақсимлашга эришиш анча мураккаб ва секин амалга ошувчи жараён ҳисобланади.

Гюль Т. – Дионисийский культ в контексте распространения эллинистической культуры в Средней Азии.....	168
Давлетияров М.М. – Забытая генеалогия – утраченная история.....	170
Джуманиязова Ф. – Тюрки в тохаристане в эпоху раннего средневековья.....	171
Елькин Д.Ю. – Лингвокультурологические аспекты анализа художественного текста	171
Елькин Д.Ю. – Формирование научного потенциала молодых учёных	172
Еттибоева Л., Қосимов Ш.И. – Соғлом маънавият – соғлом обод турмуш мезонидир.....	173
Жалилова Д. – “Гулистони гулшаний” девони адабий манба сифатида.....	174
Жамолов М.Ж., Мажидов Ш.Ф., Чориев Н.К. – Иқтисодиёт назарияси фанини ўқитиш жараёнида бадий асарлардан фойдаланиш услуги	175
Жепбарова С.К. – Мулланафас лирикасида Алишер Навоий анъаналари ифодаси	176
Жўраев Х. – “Ал-Важиз” асарининг таркибий тузилиши	177
Жўраев Х. – Муҳаммад кардарий – хоразм фикҳ мактаби намоёндаси.....	178
Жўраев Ж. – Комёбнинг “Мунтахаб ул-воқеот” асари ҳақида.....	179
Жураев Ш.С. – О некоторых аспектах промышленной политики Узбекистана	179
Зиёев Ш.Э. – Қозоғистон – Европа Иттифоқи ўзаро алоқаларидаги баъзи муҳим омиллар хусусида.....	181
Зиёев Ш.Э. – Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё: ўзаро манфаатли ҳамкорлик истиқболлари хусусида.....	183
Зияева Р.А. – Темурийлар даври маданий ҳаётини миниатюраларда акс этиши (тарихий қўлёзма миниатюралари тимсолида).....	184
Исламов Ш.Г. – XX аср бошларидаги “Ер ислоҳоти” сиёсатида муносабатлар.....	185
Исламов Ш.Г. – XX аср маҳаллий матбуот нашрларида ислохотчилик ғоялари.....	186
Исоқжонов Р. – Киндий биринчи мусулмон файласуфи.....	187
Исоқова П. – Муаззамхон ижодига бир назар.....	188
Исомова Н.Б. – «Олтин ёруқ судур»	189
Каюмова Ш.А. – Ўзбекистонда музей тараққиёти	190
Керуенов Т.А. – Бердақнинг «Хоразм» достонида мифологик сюжет талқини	191
Кусекеев Б.К. – Минтақада кичик бизнес соҳасини иқтисодий ривожланиш истиқболлари	192
Қурбанова Д.Ш. – Қадимий хоразмликлар диний ҳаётида турмуш тарзининг акс этиши.....	193
Қурбонова Д.А. – Чет эллардаги ноёб мерос хусусида	194
Мамаджанов Т.М. – Литературная игра У А. Терца.....	196
Мамажонова Т.А. – Мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлашда маркетинг инструментларидан фойдаланиш самарадорлиги	197
Маматова М.Б. – Совет қатағонига учраган ўқитувчилар.....	198
Махмуджонов А.М. – Зарубежный опыт поддержки малого инновационного бизнеса.....	199
Махмудов С.Х., Мажидов Ш.Ф. – И.А.Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарининг таълим-тарбиядаги ўрни.....	200
Махмудова А.Н., Мажидов Ш.Ф., Халимбетов Ю.М. – Вопросы нравственного воспитания молодёжи в условиях высшей школы	201
Махсудов Д.Р. – Шайх хованди тахур талқинида дўстлик масаласи	203
Мирзаева М.Н. – Салжукийлар даврида мадрасаларнинг аҳамияти	204
Мирзаева М.Н. – Салжукийлар даврида ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ва иқтисодий ҳаёт	205
Муҳамедова М.С. – Музей ва тарихий ёдгорликларда экскурсия ташкил этишда аудиогидаларни жорий қилиш масалалари.....	206
Назирова Ҳ.Б. – Огаҳийнинг “Зубдат ал-таворих” асарининг манбаси ҳақида.....	208
Низамова Ф. – “Дарёе аброр” қасийдасининг ғоявий-бадий хусусиятлари.....	208
Носиров Б., Раҳмонова Б. – Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бозорини моделлаштириш	209
Отажонов Ш.И. – Инновацион кластерларни шакллантириш орқали минтақалар иқтисодиётини ривожлантириш механизмлари	211
Отениязов П.Ж., Кыдыниязов З.Б. – Қорақалпоғистонда илмий тадқиқот ишларининг илк босқичлари	212
Охундедаева Н.С. – Тилшуносликда тиллараро аналогизмларнинг ўрганилишига доир	213
Пирматов Х.Р. – Влияние туризма на социально-экономическое развитие Республики Узбекистан	214